O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
31 OKTABR
PAYSHANBA
№ 134 (26.993)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ДУНАЙ СОҲИЛИДАГИ ФАЙЗЛИ УЧРАШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 27-29 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Ҳозирги Венгриянинг тарихи X асрдан бошланади. Венгерларнинг аждодлари ўша даврда Карпат тоғлари теварагидаги унумдор ерлар, серсув дарёлар, ҳайвонот ва наботот олами рангбаранг ва бой ҳудудни макон тутган. Улар олис Европага бизга яқин ҳудудлардан кетгани, халқларимиз ҳануз бир-бирини қайсидир маънода қариндош билиши эса сир эмас.

Президентларнинг илк учрашувида Ференц Мадл Ўзбекистоннинг ютуқларини эътироф этар экан, аввало тарихий муштаракликдан сўз очган бўлса, кейинги мулоқотлардан бирида Ислом Каримов «чўпон» сўзини икки халқ таржимонсиз тушуниши ва «умумий сўзлар луғати» анча катта эканлигини таъкидлади. Тошкентда туғилиб ўсган, кейинчалик тақдир тақозоси билан Венгрияга бориб қолган одамлар билан мулоқот чоғида биз, ташриф воқеаларини ёритаётган журналистлар бунинг исботини осонликча топдик. Оддий мисол: венгерларда ҳам «она» сўзи бор экан. Бу сўз худди биз англайдиган муқаддас маънони англатади.

Лекин моҳиятга қарайдиган бўлсак, қариндошлик ришталари қанчалик яқин бўлмасин, мамлакатлар амалда ҳамкорлик қилмаса, айниқса, ҳар қандай давлатлараро муносабатларнинг асосини ташкил этувчи савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланмаса, бундай яқинликнинг келажаги мавҳум бўлиб қолаверади.

Президент Ислом Каримовнинг Венгрия раҳбари Ференц Мадл, парламент раиси Каталин Сили, Бош вазир Петер Меддьеши ва бошқа расмий кишилар, ишбилармонлар билан учрашувларида сиёсат бобидаги ҳамкорлик замон руҳига мос тарзда ривожланаётгани, лекин савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами икки томонни ҳам қониқтирмаслиги таъкидланди. Ўзбекистон билан Венгрия БМТ, ЕХҲТ сингари халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамфикрлик билан иш юритади. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳамда Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгашида ҳам мамлакатларимиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади. Ўзбекистон Венгриянинг Европа Иттифоқига қўшилиш ниятини қўллаб-қувватлайди ва бу борадаги ютуқларидан мамнунлигини яширимайди. Умуман, Ўзбекистон Венгрияда кечаётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни диққат билан кузатиб, муваффақиятларидан қувониб келади.

Суратда: Ислом Каримовнинг Венгрия парламенти раиси Каталин Сили билан учрашуви

Венгрия томони ҳам сиёсий жабҳада Ўзбекистонга жуда хайрихоҳ. Фожиали 11 сентябрь воқеаларидан кейин Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг халқаро аксилтеррор коалициясини қатъий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги тарихий қарори, кўп давлатлар қаторида, Венгрия томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Президент Ференц Мадл Ўзбекистоннинг мазкур коалициядаги ҳиссасини юксак даражада қадрлашини алоҳида таъкидлади. Умуман, Венгрия раҳбарияти Ўзбекистоннинг ислоҳотлари, минтақавий ва дунёвий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беради.

Иқтисодий муносабатлар — янада эътиборталаб мавзу. Очиқ тан олиш керак, савдо-иқтисодий муносабатларимиз сўнгги вақтларда анча сусайди. Венгрия томонининг маълумотларига кўра, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 14-15 миллион АҚШ долларини ташкил этган, холос. Президент Ислом Каримовнинг фикрича, буни қисман ўтиш даври, саноатда, халқ хўжалигида юз бераётган шиддатли ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Лекин самарали ҳамкорликни кутиб ётган, юқоридаги омиллар билан «оқланмайдиган» соҳалар ҳам аслида кам эмас. Савдо-иқтисодий муносабатларни сусайтираётган бош омил ахборот танқислигидир. Мамлакатимиз раҳбари учрашувларда ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига тўла ойдинлик киритди.

Хўш, Ўзбекистоннинг Венгрия билан ҳамкорликдан манфаатдорлиги кўпроқ қайси соҳаларда кўзга ташланади? Аввало, тўқимачилик ва енгил саноатда. Ўзаро савдо ҳажми камайиши сабабларидан бири икки мамлакат ўртасида воситачилар мавжудлигидир. Ваҳоланки, бевосита алоқа бир неча чандон фойдали бўлиши турган гап. Бунинг содда ва синалган йўли қўшма корхоналар тузишдир.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати, дори-дармон, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик каби соҳаларда Венгрия билан жуда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Транспорт коммуникациялари билан сайёҳлик эса икки томонда ҳам улкан қизиқиш ва интилиш ҳосил қилиши тайин.

Венгрия ишбилармонларида Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишни яна қандай омиллар кучайтиради? Ўзбекистон табиий ва минерал хомашё заҳираларига бой. Айниқса, газ, олтин, вольфрам, фосфоритлар, каолин заҳиралари бобида мамлакатимиз ҳақли равишда дунёдаги етакчи ўринларда туради. Газ заҳираларининг ўзи 2,5 триллион куб метрни ташкил қилади. Қолаверса, заминимиздан Менделеев даврий жадвалидаги барча элементларни топиш мумкин.

Ипакчиликда ҳам кўрсаткичларимиз юқори. Булар қаторида мева-сабзавотнинг кўплигини таъкидламоқ жоиз. Афсуски, Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизда етиштириладиган мева-сабзавотнинг анчагина қисми қайта ишланмасдан қолади. Чунки бизда консервация, сублимация, қўйингки, ҳосилни қайта ишланган тайёр маҳсулот ҳолига келтириш жараёнида зарур бўлган техника ва технологиялар яхши ривож топмаган. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш борасида катта ютуқларни қўлга киритган Венгрия Ўзбекистонга эътиборини кучайтирса, нафақат биз, ўзи ҳам бундан катта манфаат топган бўлур эди.

Ислом Каримов бу манфаатдорликни жўнгина исботлади. 2004 йилда Венгрия Европа Иттифоқига қўшилади. Ғарбий Европа эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда анча илғор минтақа. Демак, Венгрия кучли рақобатга дуч келиши шубҳасиздир. Бундай вазиятда у Ўзбекистон билан ҳамкорликни кучайтиришдан фақат ютади.

(Давоми 2-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 октябрь куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Португалиянинг ташқи ишлар ҳамда хориждаги португал ҳамжамиятлари ишлари бўйича вазири Антонио Мартинш да Крушни қабул қилди.

— Кейинги йилларда, айниқса жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга қарши ялпи кураш бошлаганидан кейин, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида ҳамкорлик янада фаоллашди, — деди давлатимиз раҳбари учрашувда. — Зеро, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин сайёрамиздаги вазият тубдан ўзгарди. Халқаро ҳамжамият террор муаммосига қарши кучларни бирлаштириш заруратини англаб етди.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1992 йил 26 февралда мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг аъзолигига қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, бу истиқлолимизни янада мустаҳкамлашда, халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувда Ўзбекистон учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

1994 йили ЕХҲТ ҳузурида Ўзбекистоннинг ваколатхонаси фаолият бошлади. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилот доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келаётгани миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланишини таъминламоқда.

1995 йили эса пойтахтимизда ЕХҲТнинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси иш бошлади. Шундан буён ЕХҲТ мунтазам равишда мамлакатимизга ўз делегацияларини жўнатиб турибди. Бу ташрифлар ташкилотнинг Марказий Осиё минтақасига, хусусан, Ўзбекистонга эътибори ортиб бораётганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда жаҳондаги ҳамда минтақамизда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, наркобизнесга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ҚУТЛАЙМИЗ!

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 11 йиллиги муносабати билан партиянинг барча аъзолари, дўстлари ва тарафдорларини қизғин табриклаймиз. Ортда қолган йиллар ХДП учун, бутун мустақил Ўзбекистон каби, ўз йўлини танлаш, оёққа туриш ва оммавий сиёсий ташкилот, парламент партияси сифатида ўзини намоён этиш даври бўлди.

Партиямизнинг, Ватанимиз равнақига қаратилган, дастурий ғояларини, мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида, амалга ошириш йўлидаги барча эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон ХДП МК
Сиёсий ижроия қўмитаси
Тошкент шаҳри, 2002 йил 30 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йилнинг 1 ноябридан Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб, 50 сўмлик қийматдаги танга пулни муомалага чиқаради. Танга пўлатдан тайёрланган оқ рангдаги мис-никель қотишмаси билан қопланган.

Танганинг олд томонидаги (аверс) Оқсарой архитектура мажмуаси фонида Амир Темурнинг ёдгорлик ҳайкали тасвирланган бўлиб, унинг пастки қисмида танга қийматини кўрсатувчи 50 рақами ва «SO'M» деган ёзув мавжуд. Тасвирнинг айланаси бўйлаб, «SHAHRISABZ SHAHRINING 2700 YILLIGI» деган матн жойлашган.

Танганинг орқа (реверс) томонида Ўзбекистон Республикасининг герби акс эттирилган бўлиб, унинг остида танга чиқарилган йил «2002» ёзуви бор.

Гербнинг айланаси бўйлаб «O'ZBEKICTON MARKAZIY BANKI» деган ёзув жойлашган. Танганинг ташқи айланаси бўйлаб мунчоқ шаклидаги нақшинкор безак туширилган.

Танганинг ён томони ботиқ чизиқли бўлиб, 100 та чизиқлар 10 донадан гуруҳланган.

Муомалада юрган пул белгилари ва тангалар қаторида муомалага чиқарилаётган 50 сўм қийматидаги танга барча хўжалик субъектлари ва аҳоли томонидан ҳеч қандай чекланмаган ҳолда ёзилган қиймати бўйича барча тўловлар учун қабул қилиниши шарт.

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

АБАДИЙ ШАҲАР ТИЛСИМОТЛАРИ

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг отаболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Амир Темур бобомиздир.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир...

Ислом КАРИМОВ



КЎК ТОҚИГА НАРВОН

Каршилик истеъдодли адиб Самар Нурнинг «Нарвон» деган қиссаси бор. Асар қаҳрамони кўнгил тилагига бўйсиниб, нарвондан томга чиқади. Шунда осмон пасайгандай, ўзи юксакликка кўтарилгандай туюлади.

Жазм этган ниятим учун бу асарнинг ҳеч қандай турткиси йўқ эди. Буни сал кейин эсладим. Хуллас, Оқсарой тепасига чиқишга қарор қилдим. Мақсадим — ўтмиш ва бугунни ўзида мужассам этган шаҳарга юксакликдан назар ташлаш эди. Ахир, боболаримиз 70 метрдан баланд қаср қуришганда, мен асрлар юки остида нураганидан қолган бўлагига наҳотки чиқа олмасам?

Одатим шундай — бир ишга жазм этдимми, пайсалга солиб ўтирмайман. Батареяли ёритгич ҳам олволдим. Бунга ҳожат бўлмади. Қадим меъморлар зиналарга ёруғлик тушиб туришини аниқ ҳисобга олишган экан. Эсимда, илк бор Оқсарой томига талабалик йилларимда дўстларим билан баҳслашиб чиққандим. Ўшанда сарой ҳам, зиналар ҳам хароб аҳволда эди. Қўрққанимиз ҳам ёдимда. Энди бино анча таъмирланган.

Бир-бир қадам ташлаб юқори кўтариламан. Зиналарни санайман. Дам-бадам тўхтаб дам оламан. Зиналарни санашдан ҳам адашиб кетдим. Зиналар менга тарих манзилларидек туюла бошлади. Билдим — Оқсарой чиндан кўк тоқига нарвон экан. Аммо чиқа олармиканман? Янаги зинада тўхтаб ўй ўйлаб кетдим. Зинанинг янги поясига эмас, тарих пилла-поясига қадам қўйдим. Яна ва яна...

АССУАРИЙ

Вақт дарёси ортига бурилмайди. Қадимшунослик — вақт қаърига чўмиб, яна замонга қайтиш. Шу ўринда геологияга мурожаат қилайлик. Жаҳонда яна шундай 2 та макон бўлса-да, Китоб туманидаги геологик кўриқхона саксон тўққизинчи йилдан буён ер юзасининг 450 миллион йиллик полеантологик тарихини мужассамлаштирган халқаро эталонга айланди. Бу тенгсиз миллий бойликдир. Не ажабки, кўҳна Кешнинг қадимги тарихи ҳам шу туман ҳудудига бориб тақалади.

— Аслида тарихчиман, илм билан ҳам шуғулланганман, — дейди республика «Ҳунарманд» уюшмаси Шаҳрисабз ҳудудий бўлими раҳбари Гулнора Одилова. — Атоқли олима Галина Пугаченкова менинг устозим эди. У киши дастлаб олиб борган тадқиқотларида Шаҳрисабз остида энг қадимий шаҳар борлигини аниқлаган эдилар. Мисол учун, Нурим ака деган кишининг ҳовлисида қудуқ ковланганда, қандайдир иморатнинг гумбази очилиб қолган. Бироқ шаҳарни бузиб, қазишма ишлари олиб бориб бўлмасди. Натижада Китоб тумани ҳудудидан топилган топилмалар асосида шаҳарнинг ўрни ва ёши белгиланди...

Бугун билдирилаётган кўплаб қизиқарли мулоҳазаларнинг биттаси бу. Чиндан ҳам саксонинчи йилларнинг ўртасида илк бор Шаҳрисабз туман газетасида қадим Кешнинг ёши 3000 йилдан кам эмаслиги ҳақида бир нечта мақола чоп этилган эди. Майли, ҳақиқат баҳсда очилади. Бироқ яна бир бор қадим тарих билан юзма-юз келиш учун Амир Темур номидаги моддий маданиятлар тарихи музейига келдим. Музей илгари XVI асрнинг ноёб ёдгорлиги бўлган Чубин мадрасаси биносида жойлашган эди. Эндиликда таъмирдан чиққан мадраса жило бериб турибди. Музей эса шу жойдаги XIX асрда қурилган қўҳна бинонинг биринчи ва иккинчи қаватини эгаллабди.

— Биз ЎзФА Археология институти ва Ўзбекистон миллий университети билан ҳамкорлик қилаяпмиз, — дейди музей директорининг ўринбосари Мавжуда Холиқова. — Ҳозир музейимизда Темур ва темурийлар даври, илмий-маърифий, этнография бўлимлари тузилган. Шубҳасиз, экспонатларга бой бўлим — қадимги давр маданиятига тааллуқли. Бу жойга Китоб туманидаги Узунқир, Подаётоқтепа, Сангиртепада олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган буюмлар қўйилган. Ҳозирги 14 мингдан ошиқ экспонатларнинг асосий қисми ана шу даврга тегишли. Бу юртимиз, шу жумладан, шаҳар тарихини ўрганишда тенгсиз хазинадир.

Шаҳар тарихи 1963 йилдан буён ўрганиб келинмоқда. Аммо кенг изланиш, археологик тадқиқотларга истиқлол туфайли йўл очилди. Олимларимиз томонидан қадим Хитой битиклари, аҳмонийлар ёзувлари, юнон-рим тарихчиларининг шаҳодатлари изчил ўрганилди. Айниқса, профессор А.Саъдуллаевнинг илмий фараз ва хулосалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1997 йилнинг 17-18 сентябрь кунларида «Амир Темур даврида Европа ва Марказий Осиё» халқаро илмий конференцияси ўтказилганди. Англия, Франция, Дания каби хорижий давлатлар ва юртимиз олимлари қатнашган анжуманда профессор А.Саъдуллаев Кеш воҳаси борасидаги ёзма маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»дан бошланишига эътиборни қаратди. Ундаги «гава суғда» — «суғд макони» тушунчаси буни исботлаб турибди...

Тарих — игна билан қудуқ қазишдан ҳам машаққатли ишлар мажмуи. Бунда археологик топилмаларнинг тилга кириши ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Бугунги фан-техника тараққиёти даврида ҳар қандай қадимги топилманинг ёши, даври, қайси маданиятга тегишли эканлиги бемалол аниқланади. Мен музейдаги буюмларни кўздан кечирар эканман, яна бир бор энг ноёб сопол идишга қайта-қайта кўз югуртирдим.

Бу — ассуарий, бу — сурат чекилган сопол остадон. Бошқача қилиб айтганда, сопол тобут. Олдинги гал унда зардуштийлик маросимлари акс эттирилгани ҳақида ёзгандим. Кейинги тадқиқотлар буни тасдиқламоқда. Бу — жаҳон музейларини ҳам безашга муносиб топилма. У айнан Китоб туманидаги Севаз қишлоғидаги тепаликдан қазиб олинган. Демак, Шаҳрисабзнинг илк пойдевори шу туман ҳудудида қад кўтаргани, кейинчалик ҳозирги жойда шаҳарсозлик маданияти юксак даражада тараққий этганлиги шубҳасиз. Ноёб ассуарий шу ҳақда ҳикоя қилади...

(Давоми 4-бетда)

ДУНАЙ СОҲИЛИДАГИ ФАЙЗЛИ УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг самарадорлигига объектив омиллар ҳам кўп. Аввало сармоя эркин кириб бориши учун барқарорлик, кўплаб имтиёз ва қулайликлар мавжуд. Ўзбекистон саноатнинг ўзи учун мутлақо янги бўлган турларини очди (автомобилсозлик, телекоммуникация, микробиология ва ҳоказо), иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар ясади (ғалла ва нефть мустақиллиги), бозор инфратузилмасини шакллантирди. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳар қандай давлатда иқтисодиёт таянчи бўладиган кичик ва ўрта бизнесни кенг қўллаб-қувватлашга эътибор жуда кучли. Кенг авж олган хусусийлаштириш жараёнида эса барча, жумладан, Венгрия сармоядорлари ҳам, фаол иштирок этиши мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик Афғонистонни тиклаш ишларида ҳам ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Чорак асрлик урушдан чиққан бу мамлакатга темир йўли кўприги фақат Термизда бор. Демак, тикланиш лойиҳаларида иштирок этишни кўзлаганлар Ўзбекистонни четлаб ўтолмайди.

Бошқа соҳаларни олсак, Ўзбекистон билан Венгрия атроф-муҳит муҳофазаси, илм-фан, маданият соҳасида, ҳарбий-техникавий соҳада ҳамкорликни ривожлантиришдан ўзаро манфаатдордир.

Кўрилган масалалар юзасидан томонларнинг фикри бир жойдан чикди. Президентлар Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилди. Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг ҳуқуқий базасига эса яна бир нечта муҳим ҳужжат қўшилди: томонлар сармояларни ҳимоялаш ва ўзаро рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги, автотранспортда халқаро йўловчи ва юк ташиш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳаларидаги ҳамкорликни расмийлаштирди.

Ташриф ҳақидаги мулоҳазалар якунланар экан, кузда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий мулоқотлари ғоят фаоллашгани ни алоҳида таъкидламоқчимиз. Ислом Каримов бу мавсумда ЕИга қўшилиш арафасида турган уч давлат — Литва, Польша ва Венгрия раҳбарлари билан учрашди. 2002 йилнинг бошидан оладиган бўлсак, Ўзбекистон рамзий маънода қўллари билан дунёни қучди, дейиш ўринлидир. Ғарбнинг энг чекка нуқтаси АҚШ ҳамда Шарқнинг ибтидоси бўлмиш Японияга — дунёнинг энг илғор давлатларига Президент Ислом Каримовнинг расмий сафарлари уюштирилди. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил ва одил сиёсати умумдунёвий миқёсда нафақат эътироф этилди, балки юксак баҳо олди. Мовий Дунай соҳилидаги кўҳна Будапештдаги файзли учрашувлар ҳам бу эътироф ва шу юксак баҳонинг яна бир ёрқин амалий тасдиғи бўлди.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Будапешт — Тошкент.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

БОЛАЛАР СПОРТИ

МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Куни кеча Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда иштирок этиб қайтдик. Юртимизга келиб, Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан хабар топиб роса хурсанд бўлдим. Спорт мактабимизнинг барча мураббийлари билан йиғилиб фармонни ўқиб чиқдик.

Очиғини айтай, бу фармон болалар спорти мураббийларининг айни кўнглидаги иш бўлди. Гап келганда айтишга тўғри келади, сўнгги йилларда болалар спорти кўп жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Эслаб кўрсам, мактабимиз тарбияланувчилари учун спорт анжомларини охирги марта 1994 йилда олган эканмиз. Ўша вақтда харид қилинган анжомлар эса эскириб, аллақачон яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ота-оналардан ёрдам сўрашга мажбур эдик. Лекин ҳамманинг ҳам фарзандига тўлиқ спорт анжомлари олиб бериши осон эмас. Чунки, баъзи оилалардан икки-уч нафардан бола спорт билан шуғулланади. Оқибатда айрим иқтидорли болалар машғулотларни ташлаб кетган пайтлари ҳам бўлган. Айниқса, мусобақалар ўтказиш, ўсмирларимизнинг турли турнирларда қатнашишлари катта муаммо эди. Баъзан моддий ёрдам сўраб идорама-идора сарсон бўлардик. Ҳатто, айрим пайтларда муаммоларни ҳал қилишга вақтимиз кетиб, машғулотларни қолдиришга ҳам мажбур бўлганмиз.

Бу фармон кўнглимизни кўтарди. Тўғриси, эртанги кунга ишончимизни оширди, ғайратимизга ғайрат қўшиб юборди. Мутахассис сифатида бир гапни айтай, бу фармон кўп муаммолар ечимини топади, болалар ўртасида спортни оммалаштиришда бебаҳо аҳамиятга эга бўлади.

■ **Ҳасан МУҲАМЕДОВ,**
Тошкент шаҳридаги 8-ихтисослаштирилган олимпия ўринбосарлари спорт мактаби директори.

НОМЛАРИ «ЭҲТИРОМ КИТОБИ»ГА КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 11 йиллиги муносабати билан, МК Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ, партия фаолларидан қуйидагиларнинг номлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Эҳтиром китоби»га киритилди:

АСАНОВ Атаулла Худайбергенович — Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби;

АХМЕДОВ Маҳмуджон Толипович — Ўзбекистон ХДП Сирдарё туман кенгаши биринчи котиби, Сирдарё вилояти;

АН Артур Владимирович — Хоразм вилояти магистраль электр тармоқлари корхонаси ишлаб чиқариш техника хизмати бошлиғи;

ДАВИРОВ Шукурулло Норович — «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти раиси, Бухоро вилояти;

ЗОИРОВА Раушан Курбонбоевна — Ўзбекистон ХДП Хўжайли туман кенгаши биринчи котиби, Қорақалпоғистон Республикаси;

ЗОЛОТАРЁВ Дмитрий Николаевич — Сурхондарё вилоятидаги «Российская культура» ассоциацияси кенгаши раиси;

ИСОҚОВ Маҳаммадали — Ўзбекистон ХДП Марғилон шаҳар кенгаши биринчи котиби, Фарғона вилояти;

МЕДВЕДЕВ Виктор Петрович — Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби;

МИННУЛИН Рустам Рашидович — Самарқанд шаҳар Тиббиёт коллежи ўқитувчиси, Самарқанд вилояти;

РАШИДОВА Сайёра Шарофовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман);

РАЖАБОВ Эсонбой — Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси;

СОДИҚОВ Ботирқул Содиқович — Ўзбекистон ХДП Бекобод шаҳар кенгаши биринчи котиби, Тошкент вилояти;

УБАЙДУЛЛАЕВ Ҳабибулла — Наманган вилояти ҳокимлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи;

ЭСОНОВ Худойберди — Ўзбекистон ХДП Бахмал туман кенгаши биринчи котиби, Жиззах вилояти;

ЮСУПОВ Машариф — Андижон вилоят «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш — савдо акциядорлик компанияси раиси;

ҚОСИМОВ Баҳодир Эркинович — Ўзбекистон ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши биринчи котиби, Навоий вилояти.

Шунингдек, партиямиз фаолларидан катта гуруҳи Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

✧✧✧

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 11 йиллиги муносабати билан, номлари Марказий Кенгаш «Эҳтиром китоби»га киритилган ва Марказий Кенгаш Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган барча партия фаолларини табриклаймиз ва уларнинг Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларида муваффақиятлар тилаймиз!

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ТЕРРОРИЗМ АСР ВАБОСИ

ТИНЧЛИК НИМА?

ШУ ОДДИЙ, СОДДА САВОЛ УСТИДА ЎЙЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Икки йилга яқин вақт мобайнида уруш олови ичида юрдим. Ўнгимдан ўқ учди, сўлимдан ўқ учди. Бошимни кўтарсам ажал манглайимни нишонга олиб тургандай туюлди. Ўлимнинг нафасини сезиб турдим. Қўлимдан яраландим. Биқинимдан яраландим. Ёнимда ўлган аскарнинг кўзларини ёпиб қўйишдан сесканмадим, дийдам қотди. Қилча жоним бўлса Худога топширдим, тақдирга тан бердим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди — урушга бора-бора кўникдим. Мен отмасам, мени отиб ўлдирадилар, деган жоҳил тушунча билан ўзимни ҳимоя қилдим. Бора-бора қўлимдаги қуролдан фарқим қолмади. Тинч-осуда ҳаётни тамоман унутдим...

Куним бор экан, жоним омон қолди. Уйга қайтишимдан аввал бир ой госпиталда даволашди. Тинч ухламоқ (гарчанд босинқирасанг ҳам), эрталаб туриб чой ичмоқ (ҳатто палатада бўлса ҳам), керак пайти юз-қўлингни ювмоқ бахт эканлигини, эрталабки нонушта, кечки овқатдан сўнг соқчилар қуршовидаги госпитал йўлагида сайр қилиш ҳам ўзгача бир саодат эканлигини ҳис қилганман.

Дарёнинг ортидан Тошкентга учиб келдим. Самолётдан тушишим ҳамоно оёқларим жойимда йиғлайвердим. Мен бундай беғубор гўзал ҳаётнинг тотли лаҳзаларини узоқ-узоқ йиллардан бери унутиб қўйган эдим...

Кейин икки йилдан кўпроқ вақт ичида уйда ҳам, таҳсилда ҳам уруш киноларни кўрсам ўзимни қўярга жой тополмасдим. Баъзида бошимни ёстиқнинг тагига тиқиб, беркиниб олардим. Уруш кинони қизиқиб томоша қилаётганларга нимадир дегим келар, бироқ ўзимни қўлга олиб, ташқарига чиқиб кетардим.

Орадан ўн беш йилга яқин вақт ўтаяпти. Кечаси кўпроқ ёзув столида қолиб кетсам ёки бирор нарсани ўқисам ухлай олмайман, бошим қизигандай бўлади, босинқирайман.

Мен нега буларни айтаяпман?

Уруш одамни сондан чиқаримиз бошида терроризм томонидан одамият бошига солинаётган даҳшатларни дунёнинг илғор зиёлилари улкан фожиа — уруш деб айтмоқдалар. Аниқ ва лўнда хулоса. Худди шундай.

Узоққа бормайлик. 1999 йилнинг февралида она-Ватанимиз пойтахти Тошкентда содир бўлган терроризм даҳшатини бошқа қандай сўз билан изоҳлаш мумкин. Бу озод ва мустақил Ўзбекистон ва ўзбекистонликларга қарши уруш эмасмиди? Ўша қайғули кунда уйда эдим. Телевизорда шаҳарда портлаш содир бўлганини эълон қилишди. Томоғимдан бир қултум чой ўтмади, қўлимдаги нон дастурхон устида қолди. Қўрқиб болаларимга қарадим — жовдираб туришибди. Ичимдан нимадир чирт этиб узилиб кетгандай даф-даф қалтиради. Ўпкам ёрилгудай бўлди. Порох ҳидига ўрганган димоғимни соф ҳаво ачиштириб юборди. Кўзим қамашди. Эсанкираб қолдим. Сўнгра ҳардамхаёл бўлиб қайсидир метро бекатига тушдим. Вагонга кириб бир бекат юрганимдан сўнг, ичкарига бир гуруҳ 20-30 чоғли ширинданширин болажонлар, қизалоқлар чуғурлашиб кириб келишди. Боғча болаларини сайрга олиб чиқишган эди. Уларнинг кийимлари чиройли, айниқса, қизалоқларнинг икки ўрим калта сочларига ҳаворанг, қизғиш, сариқ, капалакнусха боғичлар осишган эди. Улар тинимсиз чуғурлашишарди. Бундай гўзал, бундай чиройли, покиза болалар ўртасида ўзимни йўқотиб қўйдим.

Азойи-баданим қалтираб, ҳолсизланиб қолдим. Ўтирган риш баробарида келажак ҳаётини остин-устун қилиб ташлайди. Ҳаётни издан чиқаради.

Тинчлик — ҳаёт дегани. Тинчлик келажак авлод тақдирини асраб қолади, ҳаётнинг давомчиларига бахт-саодатли яшаш имконини беради. Тинчлик инсоннинг инсондай яшаши, яхши ниятлар қилиши, орзу-умидларга тўлиб-тошиб яшаши. Тинчлик ўз ҳаётингда бехавотир яшаш. Бундан бошқа изоҳ бўлиши мумкинми?

Бугун дунёда ҳамма-ҳамма нарсадан гўзал ва буюкроқ, бир тушунча инсоният шуурига тобора сингиб бораяпти — бу таҳликадан титраётган оналарнинг тинчликни асраб қолиш.

Терроризм — инсониятга таҳдид солаяпти, Ер юзига уруш оловини сочмоқда. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги, асбўлди... Эшик остонасидан ҳатлаб ўтаётиб ортимга қарадим — уч болам музтар бўлиб қолишган. Назаримда, уйга қайтиб келмасам-а, деган қўрқинчли ўй юрагимни узиб олгандай бўлди. Дарди-дунёмга ўт кетди, зимистон бўлди.

Ҳа, юртингизда уруш хуружи кезгач, бир бурда нонни бехавотир ейолмайсиз, бир пиёла чойингизни хотиржам ичолмайсиз, болаларингиз даврасида эмин-эркин ўтиролмайсиз. Худо кўрсатмасин, портлашдан топталган хонадонингиз, вайрон бўлган турмушингиз учун қон-қақшаб бу дунёда инсон бўлиб яшаётганингиздан пушаймонлар ейишдан Худо асрасин...

Терроризмнинг илдизи Ер юзининг ҳамма бурчагида бир-бири билан боғланиб кетган.

АҚШда содир бўлган террор дунё халқлари ҳаётига нисбатан тажовуз эди. Тинчликсеварлар инсониятнинг кўлни-кўлга бериб осуда ҳаёт учун курашмоқдан ўзга чораси қолмаганини кўрсатди, бу. Дунё террор даҳшатини, ваҳмини яна бир карра англаб етди. Филиппин, Индонезиядаги терроризм кўпорувчилиги — бу хавф-хатар, ўлим нафаси кезган фожиа бутун башариятнинг тинчлигига яна бир бор ҳамла қилди. Кишилик жамиятига тинчлик учун курашмоқдан ўзга йўл қолмаганини исбот этди. Ер шарида террор алангаси тутини ўрлай бошлади. Инсониятни ҳалокат жари ёқасига олиб келаётган террор — биргина давлат ёхуд халққа, биргина давлат ёхуд миллат келажагига хуруж қилмаяпти, балки дунёдаги тинчликни издан чиқаришга жон-жахди билан уринаяпти. Куни кеча Москва шаҳрида содир бўлган, 700 нафардан зиёд кишининг ҳаётини таҳликага солиб, қурол ўқталиб, гаровда ушлаб турган террорчиларнинг ёвуз хатти-ҳаракатини бутун дунё халқлари изтироб, қаҳр-ғазаб билан қоралади. Хулоса шу бўлдики, террор дунёнинг қайси бурчагида даҳшатли кўринишда содир бўлганидан қатъи назар, унинг оғриғи, мусибати жаҳоннинг ҳар бир тинч ва осуда кишилари хонадонини ҳам ларзага солмоқда. Одамзод ўз тақдирининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини бизнинг асримизга келиб тушуниб етди.

Терроризм, террор — уруш! У қайси жойда, қайси шаҳарда рўй бермасин, бутун инсоният ҳаётига уруш очганини англамоқ керак.

Сизу бизнинг тинч, оромли кунларимиз эса яшаш, яратиш, униб-ўсиш, келажагимиз бахт-саодати йўлида ёруғ орзу-мақсадлар сари интилишимиз учун энг улуғ иноятдир.

Уйингизда фарзандларингиз даврасида шодон яшамоқ — тинчлик.

Ҳаловат билан ишга келиш, ишдан кетиш — тинчлик.

Ёруғ режаларингиз самарасига ишонмоқ — тинчлик туфайли.

Энг муҳими, сизни ҳеч ким отмайди, ўлдирмайди, оиланг зор қақшамайди... Энг муҳими, инсондай яшаяпсиз.

Фақат... фақат ҳаётингизнинг ёруғ тарзда давомийлиги учун ҳушёр бўлинг. Англанг... Сизга шу кунларни кўп кўргувчи ёвуз кучлар бор. Ўз уйингиз, ўз оилангиз, отажак ёруғ тонглар ҳурмати — тинчликнинг қадрига етинг. Бунинг учун биринчи галда огоҳлик, Ер шари осудалигига даҳлдорлик ҳисси билан яшашга ўрганинг.

Ер шари унчалик катта эмас экан. Англаяпсизми, унда сиз билан бизнинг Ватанимиз бор, хонадонимиз бор. Ватанимиз ва хонадонимизни асраш учун доимо огоҳ бўлмоқ, курашмоқ керак.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Амударё туман кенгаши ижроия бюроси йиғилишида бошланғич партия ташкилотларининг аҳоли истиқомат жойларида олиб бораётган оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий ишлари, 2003 йил учун партия нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказиш, «Ёшлар клуби»нинг фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди ва бу борадаги ишларни фаоллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Партия Беруний туман кенгаши ижроия бюросининг мажлисида партия ташкилотларида ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон ХДП марказий нашрларига обунани ташкил этиш масалалари асосий ўрин эгаллади.

ХДП Чортоқ туман кенгаши ижроия бюроси йиғилишида халқ депутатлари туман Кенгашига ХДПдан сайланган Х.Ҳасановнинг ахбороти тингланди. Мажлис қарорида таъкидланишича, депутат ўз сайловчилари билан яқин алоқада бўлмоқда, улар билан учрашувлар ўтказиб ҳамда фуқаролар қабулини мунтазам равишда олиб бориб, маҳалла, жамоат ташкилотларига ёрдам кўрсатмоқда.

Наманган туман партия кенгашида 2003 йил учун матбуот нашрларига обунани ташкил этиш масалалари кўрилган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

шу соҳага дахлдор ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Тўрақўрғон туманидаги «Зиёлилар» ҳудудий партия ташкилотининг очиқ йиғилишида юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини қарор топтиришда партия ташкилотларининг ўрни, уларнинг сиёсий ислоҳотларни амалга оширишдаги вазифалари тўғрисида сўз юритилди. Шу билан бирга, бугунги кунда одамларни ташвишлантираётган долзарб ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда партия аъзоларининг фаоллигини ошириш тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Тадбир сўнггида ХДПга аъзо бўлган 8 нафар ўқитувчиларга партия билетлари топширилди.

Тўрақўрғон туманидаги «Хўжанд» коллежи, касб-ҳунар лицейи, «Шаҳанд» деҳқонлар уюшмаси бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишларида, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, жамият аъзоларининг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ 11 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тошлоқ тумани пахта тозалаш заводи ва 22-сонли умумтаълим мактаб партия ташкилотларининг ХДПнинг 11 йиллигига бағишланган тадбирларида мазкур туман партия кенгашининг котиби Д.Пўлатова «Истиқлол фарзанди» мавзуида маъруза қилди. Мулоқотда иштирок этган партия фаоллари демократик тартиботлар қарор топишининг муҳим белгиси — кўппартиялилик тизимини мустаҳкамлаш, икки палатали парламентга ўтиш даврида партия аъзолари фаоллигини ошириш каби масалалар юзасидан аниқ фикр ва таклифлар билдирдилар.

Мазкур тумандаги «Арабмозор» қишлоқ шифокор пункти партия бошланғич ташкилотида ташкил этилган мулоқотда, ХДП Фарғона вилоят кенгашининг аъзоси С. Каримов Ўзбекистон ХДПнинг 11 йил ичида босиб ўтган йўли, партия фаолиятининг устувор йўналишлари, партия аъзоларининг сиёсий ислоҳотлардаги иштироки тўғрисида сўзлади. Учрашувда партия сафига ўтган 7 нафар тиббиёт ходимларига партия билетлари топширилди.

Андижон вилояти Ўлкашунослик музейи, «Андижонкиновидео» вилоят бирлашмаси ҳамда Андижон шаҳар партия ташкилоти таркибидаги бошқа қатор бошланғич партия ташкилотларида, партия аъзолари ва партиясиз фаоллар иштирокида, ХДП ташкил топганлигининг 11йиллигига бағишлаб, «Жамият тараққиётида сиёсий партиялар ўрни», «Ижтимоий тараққиёт мезони» мавзуларида йиғилишлар, «давра суҳбатлари», мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг муҳим масалаларига бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга катта эътибор берилди. Мажлисларда аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда партия ташкилотлари, депутатлар гуруҳлари, партия аъзоларининг вазифалари, уларнинг бу масалада ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борада ютуқлар билан бирга камчиликлар борлиги ҳам таъкидланди.

ХДП Навоий шаҳар кенгаши вилоят нефтни сақлаш ва тарқатиш бошқармаси бошланғич партия ташкилотида ХДПнинг 11 йиллигига бағишланган «давра суҳбати»ни ўтказди. Унда мазкур партия кенгаши биринчи котиби У.Мусаев маъруза қилиб, ХДПнинг босиб ўтган йўли, партия ташкилотларининг мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки, икки палатали парламентни шакллантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши масалаларига тўхталиб ўтди.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИ

Хўжалик фаолияти билан шуғулланиш даврида мулкий муносабатларни шартнома тузмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Лекин орамизда ҳозир ҳам шартнома тузишни билмайдиганлар борки, кўпинча ана шу, «соддалик»дан устомон «билағонлар» фойдаланиб қолишади. Натижада, бир томоннинг манфаатини кўпроқ ифодалаган шартномалар сони кўпаяди. Албатта, бу манфаатдорликка, қолаверса ривожланишга, ишлаб чиқаришнинг кўпайишига салбий таъсир этади. Шунинг учун такрор бўлса-да, яна бир бор шартнома тузишда нималарга эътибор беришни таъкидламоқни истар эдик. Тарафлар ўртасида тузиладиган хўжалик шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида белгиланган **шартнома предмети, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳоси, шартноманинг бажарилиш муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек, бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартлар** белгиланиши лозим. Ушбу шартларнинг хўжалик шартномаларига тўлиқ киритилмаслиги шартномаларни ижро этиш жараёнида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Афсуски, адлия идоралари ходимлари томонидан вилоятларда ўтказилаётган ўрганишлар мобайнида хўжалик шартномаларидаги бир тарафнинг, (айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчиларнинг) эътиборсизлиги оқибатида ёки иккинчи тарафнинг, хусусан, тайёрловчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг «монопол» мавқеларидан фойдаланиш натижасида юқорида санаб ўтилган шартларнинг хўжалик шартномаларида тўлиқ акс эттирилмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

Масалан, **Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «Дашт-обод пахта тозалаш» ОТҲЖ томонидан** 2002 йил пахта ҳосили учун тумандаги 15 та ширкат ҳамда 638 та фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартномаларининг айримларида етказиб бериладиган пахтадан ўртача тола чиқиш фоизи, маҳсулот баҳоси ва шартноманинг умумий қиймати ҳамда маҳсулотни етиштириш даврида ажратиладиган бўнак миқдори кўрсатилмаган. Бу камчиликлар эса ўз навбатида тарафлар ўртасидаги контрактация шартномаларининг ижросига ҳам таъсирини кўрсатган. Яъни, ушбу корхона томонидан 2002 йил пахта ҳосили учун аванс маблағлари нотенглик асосида тақсимланган. Масалан, «Пахта-2002» 23-транш маблағидан иш ҳақи тўловларини амалга ошириш учун ҳар бир тонна пахтага ўртача 1000 сўмдан тўлаб берилиши лозим бўлса-да, «Ўсарали Ҳожиқулов» фермер хўжалигига 24000 сўм кам тўлов амалга оширилган. Худди шу траншдан «Сайёра», «Яхшилик М» ва «Дўстқул ота» фермер хўжаликларига тўланиши лозим бўлгандан кам маблағ ажратилган.

Андижон вилояти Булоқбоши туман МТП АЖ томонидан эса 2002 йил учун тумандаги 8 та ширкат ва 54 та фермер хўжаликлари билан техника хизмати кўрсатиш юзасидан тузилган шартномаларда «Ижрочи» томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари аниқ кўрсатилмаган. Натижада «Ижрочи» томонидан шартнома мажбуриятлари жиддий равишда бузилиб, «Буюртмачилар»га ўз вақтида техника хизматлари кўрсатилмаган. Бунинг оқибатида эса жамиятнинг қишлоқ хўжалиги корхоналаридан 116,069 минг сўм кредиторлик қарзлари (2002 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра) мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, **«Мамиржон ота» фермер хўжалигининг 301,343 сўм, «Аҳмадбек Ҳожи» фермер хўжалигининг 58,477 сўм, тадбиркор И.Ҳошимовнинг 8 000 000 сўм маблағлари** 2001 йил декабрь ва 2002 йил январь ойларидан буён жамият ҳисобида сақланиб келаётганлигини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

НЬЮ-ЙОРККА — ВЕЛОСИПЕДДА

Курраи заминимизни велосипедда айланиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўзбек сайёҳи Мурод Қосимов Нью-Йоркка келди.

Собиқ ўт ўчирувчи Мурод Қосимов ўзининг дунё қитъалари бўйлаб саёҳатини босқичма-босқич амалга оширмоқда. 1998 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб у Осиё ва Африканинг 25 мамлакатида бўлди. Навбатдаги босқич жорий йилнинг 27 майида бошланиб, Америкада якунланди.

— Етти ой мобайнида Тошкентдан Петропавловск-Камчатка ва у ердан ўт ўчирувчи ҳамкасблар ёрдамида Аляскадаги Анкориджагача велосипедда босиб ўтган 15 минг километрдан зиёд масофа орқада қолди. Афсуски, АҚШ йўл ҳаракати қоидалари юқори тезликда юришга рухсат берилган автомагистралларда велосипедда сайр этишни ман этади. Шу боис Нью-Йорк шаҳригача бошқа транспорт воситаларида келишга мажбур бўлдим. Қийинчиликларга қарамасдан ўз мақсадимга эришганимдан ва Манхеттеннинг энг гавжум кўчаларида миллий байроқ ва гербимизни ҳамда ўзбек дўпписини фахр билан намойиш этганимдан хурсандман,— деди Мурод Қосимов «Жаҳон»АА мухбирига.

Саёҳатнинг навбатдаги босқичи БМТ биноси олдида мамлакатимиз вакилининг шаҳар аҳолиси, журналист ва дипломатлар билан хайрлашувидан сўнг якунланди.

■ **Б.МАМАЖОНОВ,**
«Жаҳон»АА.


Мурод Қосимов Нью-Йоркда

ВАЗИРЛИКЛАР ТУГАТИЛДИ ВА...

Фаластин автономияси раҳбари Ёсир Арафот Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибини тузди. Унга кўра, айрим вазирликлар, яъни Фуқаролик ишлари, Ёшлар ва спорт ҳамда Телекоммуникация вазирликлари қисқартирилиб, улар сони 21 тадан 19 тага туширилди. Бундан ташқари Соғлиқни сақлаш, Адлия ва Маҳбуслар ишлари бўйича вазирликларнинг раҳбарлари ўзгартирилди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛАДИ

Россия Президенти Владимир Путин мамлакатнинг ички ишлар вазири Борис Гризловга Чеченистонда маҳаллий таркибдаги Ички ишлар вазирлигини тузишга буйруқ берди.

Гризловнинг сўзларига қараганда, Чеченистон Ички ишлар вазирлигининг таркиби 12 минг милиция ходимидан иборат бўлади. Маҳаллий таркибдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шакллантирилгач, Россиянинг 12 минг нафар ҳарбий хизматчиси Чеченистондан олиб чиқиб кетилади.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИЛДИ

Нидерландиянинг Россиядаги элчихонаси Москвадаги Театрлар марказида одамларни гаровга олган террорчиларга қарши Россия махсус хизмати заҳарли газдан фойдаланганлиги муносабати билан норозилик билдирди, дея хабар беради ВВС «Нидерландия радиоси» манбаларига таяниб.

Дипломатлар «Штурмда газдан фойдаланилиши ҳақида элчилар аввалдан хабардор қилиниши керак эди» деб ҳисоблашмоқда.

Элчихона вакилларининг фикрича, айнан заҳарли газнинг қўлланилиши 115 кишининг, шу жумладан, 39 ёшли бир голландияликнинг ҳам ўлимига сабаб бўлган.

Лекин Россия ИИВ Бош ҳуқуқий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Татьяна Москалькова гаровдагиларни озод қилишда махсус хизмат вакиллари қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ҳаракат қилишганлиги ҳақида баёнот берди.

Унинг сўзларига қараганда, 1991 йил апрелда қабул қилинган «Милиция тўғрисидаги» қонунга учта махсус модда ҳам киритилган бўлиб, унда давлатни, жамоатчиликни ва ўзини турли жиноятчилардан ҳимоя қилишда жисмоний куч ишлатишга, махсус восита ва қуроллардан фойдаланишга рухсат этилган.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТСИЗ ПРЕЗИДЕНТ

Яқинда Бразилияда бўлиб ўтган президент сайловларида сўл партиядан номзодини қўйган, мамлакат касаба уюшмаларининг собиқ раҳбари Луис Игнасио Лула да Силва сайловчиларнинг 61,5 фоиз овозини олиб, президентликка сайланди. Унинг рақиби центризм партияси раҳбари Жозе Сьерра эса 38,5 фоиз овоз йиға олди, холос.

Дарвоқе, янги Президент олий маълумотга эга эмас.

ВАЗИР ВА ШТАБ БОШЛИҒИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Сербия Республикасининг (Босния ва Герцоговина) мудофаа вазири Слободан Билич ҳамда мамлакатнинг Бош штаби бошлиғи Навица Симич БМТнинг Ироққа нисбатан жорий қилган эмбаргосига қарамай Ироққа курол-яроғ сотганлиги учун истеъфога чиқарилди.

Олий мудофаа кенгаши вакилининг айтишича, бундай қарор воқелик гувоҳларининг қатнашувисиз ҳал этилган. Улар Ироққа «МиГ-21»нинг эҳтиёт қисмларини сотганликда айбланмоқдалар. Бу эса АҚШнинг Сербияга нисбатан ғазабини қўзғатди.

Шундай қилиб, истеъфога чиқарилган расмий мансабдор шахслар 5 кишини ташкил этди. Яъни аввал ҳам ҳарбий эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи завод директори, республиканинг ташқи савдо компанияси бошлиғи ҳамда мамлакатнинг ҳарбий ҳаво кучларига жавоб берувчи мудофаа вазирининг ўринбосари юқоридаги айблар билан ўз вазифаларидан озод этилгандилар.

ШАНХАЙ «ОЛТИЛИГИ»ГА ҚЎШИЛИШГА ТАЙЁР

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг барчаси унинг асосий ҳужжати — ташкилот Хартиясини ратификация қилиб бўлгач, Ҳиндистон ҳам бу ташкилотга аъзо бўлишга тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳақда Ҳиндистоннинг Россиядаги элчиси Кришнан Рагхунатх хабар берди.

Ҳиндистоннинг ташкилот сари дадил қадам ташлашига асос шуки, Ҳиндистон ушбу ташкилотга аъзо давлатлар билан яхши муносабат ўрнатган, деди элчи жаноблари.

Ҳозирги кунда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Россия, Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларини бирлаштириб турибди.

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

КЎНГИЛ РАВШАН ЛАҲЗАЛАР

Юртбошимизнинг буюк алломалар юрти, қадимий обидалари мустақиллик шарофати ила яшарган Бухоро вилоятига ташрифи ёшу қари — ҳамманинг кўнглини равшан этди. Бугун бухороликлар барча жабҳада янгича ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар ва янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар

УЙҒОҚ РУҲ БЕРАЁТГАН КУЧ

Кун пешиндан оғган, ҳаво ҳарорати анча пасайган, кўкда бир чимдим булут муаллақ турибди. Бухоро-Тошкент автомагистрал йўлининг икки томони пахтазор, гўё бу далаларга юлдузлар қўнгандек оппоқ. Ҳамма пахта терими билан банд, ўткинчи билан иши йўқ уларнинг. Қайси бирига боқманг, чеҳрасида эртанги кунга ишончни, жуссасида зўр ғайратни пайқайсиз. Шунда сизни бир савол безовта қилади: бундай кучни улар қайдан олишди?

— Бизни улуғ пиримиз — Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳлари мудом қўллайди, — дейди «Гулистон» ширкат хўжалиги раиси Мардон Фармонов. — У кишининг уйғоқ руҳлари бошлаган ишимизнинг мухтасар бўлишида мададкордир. Буни ҳар бир ғиждувонлик билади, ҳа, ишонаверинг!

Дарвоқе, раиснинг бу каломи тўғри экан. Қаранг, хўжалик ҳудуди улуғ бобомиз хилқат топган азиз жойга туташ. Гулистонликларнинг аксарияти ҳар тонг алломанинг қабрини зиёрат этишади.

— Бунинг хосияти бор, — дейди Абдулхолиқ Ғиждувоний жомеъ масжиди имом-хатиби ёрдамчиси Обиджон Ражабов. — Пири комилимиз яхши ниятлар ва амалларни дилига жо қилганларни руҳан қўллаб-қувватлайдилар. Зеро, эътиқодда ҳикмат кўп. Дил ба ёру, даст ба кор, деган ибора ҳам ҳазратнинг муддаоси-да.

Ҳа, орият ва эътиқодга суянган одамлар ҳеч қачон кам бўлганлари йўқ. Биргина мазкур хўжалик ҳақида гапирадиган бўлсак, ютуқлар ҳамиша залворли бўлган. Пахта ва дон етиштириш режаси дейсизми, ободончилик, тадбиркорликни оласизми — ҳаммасида биринчи! Қаҳрамонлар ҳам, уста пахтакорлар ҳам шу ердан чиққан. Эрта-индин хўжалик пахтакорлари йиллик режани уддалайдилар. Давлатга қарийб 3000 тонна «оқ олтин» сотилиши кутилмоқда.

— Бу хўжаликда ҳамма иш билан банд, — дейди туман ҳокими ўринбосари Садриддин Асадов. — Машҳур зардўзу, жаҳонни лол қолдирган кулоллар сулоласи ҳам шу ерлик. Биз фахрланадиган кулол — Алишер Нарзуллаев мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида «Ўзбекистон халқ устаси» фахрий унвонига сазовор бўлди. Ҳозир унинг кулолчилик мактабида ўнлаб ёшлар таҳсил олмоқда.

Биз Алишер Нарзуллаевнинг уйида бўлганимизда накд музейнинг шоҳиди бўлдик. Буни қарангки, иккита хонада ҳаммани ҳайратга соладиган, сопол буюмлар жамланмаси йиғилган. Етти сулола қўлида сайқал топган ва жаҳон кезган, хорижни ҳайратга солган — лойдан ясалган ҳақиқий мўъжиза асрлар оша инсониятга завқ бағишлаб келмоқда-я. Отангга раҳмат!

— Ҳозиргидек эътибор ва қадрни ота-боболаримиз кўрмаган, эсиз, — дейди А.Нарзуллаев. — Япония, Германия, АҚШдаги халқаро кўргазмаларда қатнаша олармидим, мустақиллик бўлмаса?! Юртбошимизга раҳмат, оддий кулол сўзим бу.

Хўжалик далаларига туташ қўшни Садриддин Айний номли ширкат хўжалиги ҳудудида 7 ойда янги технология асосида ишлаётган йирик пахта тозалаш заводи қад ростлаган. Корхона ғиждувонлик деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирилган ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олиб, қайта ишламоқда. 40 минг 645 тонна пахтани қайта ишлашга бел боғлаган ишчиларнинг ҳам кайфияти аъло. Сабаби, энди эски корхонадагидек чангга беланишмайди, ишда тўхтаб қолишлар барҳам топди. Бунинг устига, янги ҳосил толасига харидор бисёр. АҚШ, Германия, Швеция... Эҳе, олис мамлакатлар вакиллари навбатда туришибди. Ҳозиргача бир неча юз тонна тола хорижга жўнатилди.

Оқшом чўкканда бизни туман ҳокими Толибжон Қудратов ўз иш жойида қаршилади. У Ҳазрати Хожаи жаҳон зиёратгоҳида ҳамда қатор хўжаликларда бўлганимизни эшитиб, қувончини яширолмади.

— Туманимизга қанча кўп меҳмон келса, шунча барака бўлади, — дейди Толибжон Ўзбекович. — Куни кеча Президентимиз шаҳримизнинг муқаддас жойи ҳисобланган Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳида бўлдилар. Биласизлар, келаси йили аллома таваллудининг 900 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ғиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари бошланади. Бу ишларнинг сирасига Хожаи жаҳон мақомига сазовор бўлган бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси киради. Тўғри, ҳозир бу ерда зиёратчилар учун яхши шароит ярата олганимиз йўқ. Ҳазратнинг қабрлари ёнидаги Мирзо Улуғбек қурдирган мадрасани таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, зиёратчиларга қулай шароит яратиш зарурлигини Президентимиз алоҳида уқтирдилар. Шу боис ҳозирданоқ амалга ошириладиган ишлар режасини туздик. Яна бир йилдан сўнг Ғиждувон таниб бўлмас даражада ўзгаради.


Абдулхолиқ Ғиждувоний масжиди

ДЎППИСИ ЕРГА ТУШМАГАНЛАР

Сафаримизнинг иккинчи кунини вилоятнинг энг илғор тумани — Вобкент эгаллади. Очиғи, бу туманнинг вилоятда ўз ўрни, ўз салмоғи, ўз юки ҳамда ўзига яраша масъулияти бор. Муболаға эмас, мустақиллик йилларида туман пахта етиштиришда ўз тажриба мактабини яратди. Шу боис вобкентлик пахтакорларнинг дўпписи ерга тушган эмас. Дарвоқе, вобкентликлар ориятли халқ эмасми, кўпам мақтовга ўч эмас, муваффақиятини кўз-кўз қилишдан йироқ.

Ўша куни осмон озгина кўзёши қилди. Туман ҳокими Муҳиддин Эсанов бироз хафа кўринса-да, ҳавонинг очилишига ишонарди. Чунки, кўп йиллик кузатишларини ён дафтарига қоралаб боради-да, у. Ҳали кузнинг оби-дийдасига эрта. Ҳар ҳолда бу отингни қамчила деҳқон, дегани табиатнинг.

— Бу йил 37410 тонналик хирмон яратишимиз керак, — дейди Муҳиддин Турдиевич. — Шу сабабли 11700 гектар ерга барака уруғи экдик. Аммо, апрель-май ойидаги ёғингарчилик туфайли чигитни икки-уч марта қадаган майдонларимиз ҳам оз эмас. Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати билан мўлжалдаги ҳосилни яратдик. Ҳозир хўжаликларимиз бирин-кетин ғалаба манзилига етиб келишаяпти.

Ҳа, туманда биринчи бўлиб маррани «Янги ҳаёт»лик чўлқуварлар эгаллаган бўлсалар, куни кеча Охунбобоев номли ширкат хўжалиги пахтакорлари ғалабани қўлга киритдилар. Бошқарув раиси, тажрибали деҳқон А.Бобоевнинг таъкидлашича, ҳосилдорлик гектар бошига салкам 33 центнерга етибди. Қабул масканларига 3275 тонна пахта топширилибди, эндиги марра — ялпи ҳосил салмоғини 4000 тоннага етказиш. Носир Шамсиев, Отабек Асонов, Маъруф Камолов сингари бош пудратчиларнинг, айниқса, қувончи чексиз. Оғир обҳаво шароитида 45-50 центнерлик маррани забт этишдия! Манфаатдорлик-чи? Бу саволга ҳам жавоб тайин: пахта теримида теримчиларга 90 миллион сўм тарқатилган. Биргина пахтачиликдан 500 миллион сўм даромад қилиняпти. Ҳар гектар ердан 40-45 центнер ҳосил олган Б. Шамсиев, Ф. Норқулов, С.Ҳусенова сингари оилавий пудратчиларнинг даромадини чўтга солиб кўринг! Қарийб икки йил қолоқлик ботқоғига ботган мазкур хўжаликда амалга оширилган ташкилотчилик, иқтисодий ислоҳотлар самарасини кўрган деҳқоннинг чўнтаги пулга тўлгач, қаддини тиклайди-да!

Президентимиз ташрифи давомида тумандаги И. Наимов номли ширкат хўжалигида бўлганларини шу ерликлар фахр ва ифтихор билан айтиб юришибди.

— Биласизми, мен бахтли аёлман, — дейди бош пудратчи Нигора Нарзиева, — сабаби Президентимиз билан дийдор кўришиш, суҳбатлашиш насиб этди. У киши биз, қишлоқ аёллари учун чексиз ғамхўрлик қилмоқдалар.

Опа оила аъзолари билан 18 гектарда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 35,8 центнердан ҳосил олибди. Мавсум охиригача ҳосилдорликни 50 центнерга етказишни чамалаётган бу аёл юзидан нур ёғилади. Тўрт фарзандини эл корига яраётган қилиб тарбиялаш билан бирга йигирма йилдан буён қўлидан кетмон тушмайди.

— Шундай фидойилар бор экан, юкимиз ерда қолмайди, — дейди хўжалик раҳбари Шуҳрат Қурбонов. — Юртбошимиз берган қимматли маслаҳатлар бизга жуда асқотяпти, фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда. Яқин орада режани уддалаймиз.

ОДАМГАРЧИЛИК

Бухоро туманида «Ўзбекистон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бор. Илгари унинг номи ширкат хўжалиги эди. Уни кўп йиллар тажрибали, фидокор раҳбар Музаффар Рашидов бошқарганди. Музаффар ака хўжалик ҳар бир аъзосининг феълини, ҳар бир қарич ернинг баланд-пастини билар, шунга қараб иш тутарди. Ўзи бетоб ётса ҳам хўжалик, аъзолари шаънини ўйларди. Ўша йиллар бу хўжаликнинг олдига тушадиган жамоалар деярли йўқ эди. У яратган боғ-роғ, мактаб-боғча, янги аҳоли қўрғони — ҳамма-ҳаммаси жонкуяр раҳбарнинг қандай ишлаганидан сўзлайди.

Афсуски, уч-тўрт йилдирки, Музаффар ака жамоадошлар даврасида йўқ. Марҳум раисдан сўнг хўжаликка кўплар келиб-кетди, аҳвол ўзгармади, бори ҳам йўқолди. Шунда вилоят ва туман раҳбарлари шу ерда вояга етган, кўп йиллар Қоровулбозор туманидаги қоракўлчилик хўжалигини бошқараётган Ёдгор Ражабовгина мазкур хўжаликни оёққа турғазиши мумкин, деган қарорга келдилар.

— Ўшанда, жуда иккиландим, — дейди Ёдгор ака. — Эплай олармикинман? Бунинг устига, энг яқин дўстим хотираси ҳам менга тинчлик бермасди. Хуллас, кўндим. Хайриятки, атрофимга яхши одамлар йиғилди. Бўлган ўзгаришларни халқ кўриб турибди.

— Раисимиздан одамгарчиликни ўрганса бўлади, — дейди бош пудратчи Баҳодир Аслонов. — Ишни марҳум раисимиз хотирасини абадийлаштиришдан бошлади у. Катта йўл ёқасида катта боғ ташкил этилиб, унга М. Рашидов номи берилди. Бир бугина эмас, ҳаммамизнинг бошимизни қовиштирди. Ишлашни ҳам, дам олишни ҳам ундан ўргандик.

— Бизда ҳеч қачон бир оила 10 кути ипак қурти боққан эмас, — дейди пудратчи Ҳожи Ражабов. — Бу йил шунга жазм қилдик. Давлатга 560 килограмм пилла сотдик. Хўжалик томонидан рангли телевизор мукофотга берилди. Бундан ташқари 2,5 гектар ердан ҳозиргача 9 тонна пахта ҳосили олиб, режани ошириб бажардик. Бир ҳафтада терган пахтамиз учун 230 минг сўм пул олдик.

Ҳа, одамгарчилиги бўлган, ҳар бир аъзосининг қадрини билган раҳбарга ҳамма эргашади, иш эса юришаверади. Хўжалик пилладан 4 миллион сўм даромад қилди. Эрта-индин 786 гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинса борми, даромад янада кўпаяди. Биргина давлатга сотилган уруғлик пахта эвазига 240 миллион сўм даромад эгаси бўлишди. 2615 тонна ялпи ҳосил хирмони эса бугун-эрта тикланади.

Туманда ишбилармон хўжалик раҳбарлари оз эмас экан. «Галаосиё», «Ўрта Осиё», «Ипакчилик», С. Ёдгоров номли, А. Шокиров номли, «Маданият» каби хўжаликларнинг раҳбарлари эл назарига тушганларига анча бўлган. Шулар бор экан, туман шуҳрати ошавериши, муваффақиятлар салмоғи ортавериши тайин. Сафаримиз чоғида бунга ишонч ҳосил қилдик.

Биз юқорида бухоролик пахтакорлар ҳаётидан бир чимдим лавҳа келтирдик. 400 минг тонналик хирмонни тезроқ бунёд этиш учун каттаю-кичик фидокорона меҳнат қилаётир. Зеро, ориятли одамлар ҳамиша эл ва юрт қайғусида яшайдилар.

■ **Норбобо ШАКАРОВ,**
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари

БУРЧ ВА ҲУҚУҚ

КИМЛАР КЎПРОҚ БУЗИШМОҚДА?

Адлия идоралари ўтказган текширишларда тайёрловчи ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартномалар тузишда ўз монополистик мавқеидан фойдаланаётгани аниқланди

Жойлардаги ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ички хўжалик шартномаларини тузишда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилиб, натижада оила (жамоа) пудратчиларининг манфаатларига путур етказилмоқда. Масалан, **Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги «Қоракулча» ширкат хўжалиги** томонидан 203 нафар оилавий пудратчилар билан ғалла маҳсулотлари етиштириш юзасидан тузилган шартномаларда шартномада белгиланган миқдордан ошиқча етиштирилган ғалладан пудратчиларга қанча берилиши, яъни уларнинг манфаатдорлиги белгиланмаган. **Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги** «Сайёт» ширкат хўжалиги томонидан пахта хомашёси етиштирувчи 200 нафар оилавий пудратчилар билан тузилган шартномаларда уларга асоссиз равишда пилла етказиб бериш мажбурияти ҳам юклаб қўйилаётганлигига нима дейсиз?!

Қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этиб тузилган шартномаларнинг ижросини таъминлаш бирмунча қулайлик туғдиради. Яъни тарафлар ўртасида низо келиб чиққан ҳолатларда (мажбурият бир томонлама бажарилмаганда) суд тартибида мажбуриятнинг бажарилиши таъминланади ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарлар айбдор тарафдан ундириб берилади. Адлия идоралари томонидан ҳам бу борада аниқланаётган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан турли таъсир чоралари кўриб келинмоқда.

Жумладан, 2002 йил 1-ярим йиллиги давомида адлия идоралари ходимлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш юзасидан судларга **2,4 млрд. сўмдан ошиқ суммага 2706 та даъво аризалари киритилган бўлса, 2002 йилнинг 9 ойлигида 3,3 млрд. сўмлик 4591 та даъво ариза суд залида кўрилди.** Ушбу даъво аризаларининг аксарияти ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, пудратчиларнинг шартномавий муносабатлардаги бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашга қаратилгандир.

Масалан, **Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан «Оллоҳиёр Охун» стевия-эксперименталь фермер хўжалиги** манфаатини кўзлаб судга киритилган даъво аризаси асосида **Шўрчи туманидаги Т.Бердиев номли ширкат хўжалигидан** фермер хўжалигига тузилган шартномага мувофиқ етарли сув етказилмаганлиги сабабли 2,1 млн. сўм миқдоридаги бой берилган фойда ва 1,9 млн. сўм фермер хўжалигининг сарф-харажатлари ундириб берилди.

Шунингдек, **Фарғона вилоят Тошлоқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги** билан оилавий пудратчи Ш.Азаматов ўртасида тузилган ички хўжалик шартномасига асосан пудратчи ширкат хўжалигига шартномада келишилгандан ортиқча маҳсулотни етказиб берган бўлса-да, ширкат хўжалиги томонидан унга 275 кг. ғалла 2002 йилнинг август ойигача берилмасдан келинган. Шартномага асосан етиштириб берилган ортиқча маҳсулотни пудратчига қайтариб бермаганлиги сабабли адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво ариза Марғилон туманлараро фуқаролик суди томонидан 2002 йил 24 августда кўрилиб, суднинг қарорига асосан Ш.Азаматов фойдасига 275 кг. ғалланинг бозор баҳосидаги 28875 сўм қиймати ҳамда 36670 сўм етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Бу борадаги ишлар вазирлик томонидан қаттиқ назоратга олинган ва уларнинг бажарилиши учун барча чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ижро бўйича 2002 йилнинг 4-чорагида ҳам жойларга чиқиб ўрганишлар ўтказилиши режалаштирилган.

■ **Актам МУҲАММАДИЕВ,**
Адлия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

АБАДИЙ ШАҲАР ТИЛСИМОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

УЛУҒ РУҲЛАР МАКОНИ

Саксонинчи йилларнинг бошларида деҳқон бозори ва унинг атрофидаги хонадонлар устига «қора ёмғир» ёпирилди. Ҳайратдан донг қотган одамлар бу гардлар аллақандай ёпишқоқ ва нохуш бўй таратишини сезиб қолишди. Хўш, нима юз берган эди ўзи?

Ҳақиқат кўп ўтмай юзага чиқди. Бунинг ўзи бир тарих. Айни шу жойда нақ тўрт метрга яқин ер остида қадимий ҳаммом жойлашган эди. Мутахассислар баъзида 600, баъзида 700 йил бурун қурилган, деган хулосага келишган. Китоб шаҳрида қарийб 300 йил бурун қурилган ер ости ҳаммоми бузиб ташланди. Бундай ҳаммом Қарши шаҳрида ҳам бор. Айрим манбаларга кўра, бу сингари иншоотлар юртимизда ўндан ортиқ бўлган. Хуллас, Шаҳрисабздаги ер ости ҳаммоми шарқ меъморчилигининг беназир намунасигина эмас, шифобахш ҳам эди. Мен ёшлигимда бир неча бор шу ҳаммомда ювинганман. Қизиғи шунда эдики, ҳаммомнинг мўрисидан тутун чиқмасди. Фақат ярим тунда оппоқ тутун кўкка ўрлаган. Боиси шунда эканки, ҳаммомни қизитиш учун шолининг қипиқлари ишлатилган. Қадим меъморлар тенгсиз синоат эгалари бўлишган.

Муддаога кўчсак. Асрлар силсиласи, ҳатто зилзилаларга бардош бериб, шифо улашиб келаётган ҳаммом кейинги даврда оддий ўтин ёқиб иситилган. Бироқ, валломатлардан бири янги усул топган — автокорхоналарда чиқиндига чиқарилган автошиналарни ёқишни таклиф қилган. «Қора ёмғир» шундан экан. Ота-боболар эгаллаган илмга, нодир меъморчилик намунасига беписандликкина эмас, бу — халқимиз табиати, миллий руҳиятига ёт мафкура ва тузумнинг ваҳшийлиги эди. Соҳибқирон бобомизнинг тўйи муносабати билан унга ҳайкал ўрнатилган кундаги йиғинда Президентимиз чуқур дард билан шундай дегандилар: **«Минг афсуски, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-торож этилди, топталди...»**

Шаҳрисабздаги Тиббиёт коллежининг янги биноси

— Жаҳондаги инсоният яратган қадриятларнинг бир қисми бўлган обидаларни сақлаш ва таъмирлашга Юртбошимиз вилоятга раҳбарлик қилган даврларда қатъий киришилган эди, — дейди фахр билан Шаҳрисабз ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекцияси раҳбари Равшан Қодиров. — Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказишга тайёргарлик даврида кўп чала ишлар ниҳоясига етди. Шаҳарнинг юбилейига ҳозирлик эса ёдгорликларни сақлашнинг янги даврини бошлаб берди.

— Бу нимада кўринаяпти? — қизиқиб сўрайман. — Асослаб берса бўладими?

— Аввало, шаҳарда 20 та ноёб ёдгорлик бор, — фикрини изоҳлайди Равшан Қодиров. — Асрлар синовига бардош бераётган меъморий иншоотлар умрини узайтириш масалага илмий ёндошишни тақозо этади. Бу борада Тошкент архитектура қурилиш институти профессори Қобил Абдурашидовнинг хизматлари катта. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан ёдгорликларнинг мустаҳкамлигини ошириш илмий дастури тузилди ва илк бор Шаҳрисабзда қўлланилмоқда. Бу шундан иборатки, ёдгорликларга таянч нуқталари ўрнатиляпти. Ҳар 2-2,5 ойда биноларнинг оғиши, сақланиши кузатиб борилади. Умуман, таъмирлаш борасида кўп ишлар қилиняпти...

Дарҳақиқат, шундай. Шаҳарга Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, қўйингки, мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларидан моҳир усталар жалб этилди. Бир вақтлар шаҳарни оламнинг ҳамма томонидан келган усталар қуришган. Бугун бу тарихий воқеа яна такрорланди. Оқсарой, Чорсу, Чубин мадрасаси, Дорус саодат ва Дорут тиловат мажмуига кирувчи ёдгорликларга моҳир усталарнинг қўли тегди.

— Чорсу ёдгорлигини биз таъмирдан чиқардик, — дейди «Мерос» бирлашмаси шаҳар таъмирлаш устахонаси ходими Собир Ғуломов. — Саксон иккинчи йилдан буён чоркунжак ғишт ва рангли кошинларни ўзимиз қурган хумдонларда пишираяпмиз. Мана қаранг, уларни Кўкгумбаз жоме-масжидига ҳам ишлатдик.

— Биз Ҳазрати имом масжиди ва Чубин мадрасасида ишладик, — дейди Қўқондаги тарихий обидаларни таъмирлаш устахонаси бош муҳандиси Насимхон Маҳмудов. — Бир нарсага амин бўлдикки, шаҳарда турли меъморчилик мактаблари уйғунлашиб кетган экан. Шаҳрисабзлик усталарнинг маҳорати, ғишт ҳамда кошин пишириш тажрибаларини Қўқонда ҳам татбиқ этиш ҳаваси ва режаси туғилди...

Қўқонлик усталар раҳбарининг ҳайрати тушунарли. Аслида ҳам Шаҳрисабз бутун маҳобати билан ҳайрат сўрайдиган шаҳар. Сирли, тилсимларга яширинган санъат мужассам бу ерда. Бошда ер остидаги ҳаммом ҳақида айтгандим. Ана шундай синоатга тўла яна бир иншоот — Дорус саодат мажмуидаги ер ости мақбараси. Нега соҳибқирон ўзига ер остида сағана қурдирган, деган савол жумбоқларга етаклайди. Шаҳарни келиб кўрган Бобур ҳазратлари «Бобурнома»да айтганлар: «...Темурбекнинг зоди буди Кешдин учун, шаҳар ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтиромлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди».

Қисмат бошқа тақдирни раво кўрди соҳибқиронга. Кеш — пойтахт бўлолмади. Бироқ улуғ зот бир умр унга талпиниб яшади, энг азиз кишиларини шу заминга дафн эттирди. Суюкли ўғли Жаҳонгир учун қурдирган мақбаранинг оёқ томонидан — ер остидан бир парча жойни ўзига танлади. Балки жаҳонгир қалбининг бир парчаси, сўнгсиз армони, бевақт хазон бўлган суюкли фарзанди билан қабри бир жойда бўлишини истагандир...

Нега мақбара ер остида бунёд этилган? Ахир, соҳибқирон бобомиз қўрқув нималигини билмаган-ку?! Бу ҳам улуғ бобомизнинг сири ва бизга қилаётган ишорасидир. Ҳозир таъмирдан чиққан мақбарани Юртбошимиз келиб кўрдилар. Масжид ҳовлисидаги чинорларни кўздан кечириб, «муқаддас жойда шундай дарахтлар ўсади» дедилар. Ҳақиқатда шундай. Мақбара бўш, аммо улуғ зотнинг руҳи барҳаёт. Шаҳри Кеш айни пайтда улуғ руҳлар макони ҳамдир...

ТИЛЛА ЧАНОҚНИНГ СИРИ

«Ҳунарманд» уюшмаси Шаҳрисабз ҳудудий бўлими раҳбари Гулнора Одилова халқ амалий санъати тарихи борасида кўп ишлар қилганини эшитгандим, унинг ҳузурига яна бордим.

— Шаҳардаги гузарлардан бири нега Сангиоҳур, яна биттаси Кулоллик деб аталганини биласизми?

— Тош охурлар ясалган-да, — дейман дабдурустдан берилган саволга жавобан, кейин фикримни йиғиб оламан: — Шошманг, «Қашқадарёмармар» корхонаси муҳандислари геологларга Шаҳрисабздаги обидаларда ишлатилган мармарлар қаердан олинганини аниқлаш борасида сўровнома беришганди. «Қашқадарёгеология» экспедицияси геологлари бу ноёб тошлар Ҳисор тизма тоғларида мавжудлигини аниқлашди. Шу тарзда турли рангда товланадиган катта заҳирага эга мармар конлари очилди. Ҳозир корхонада сифатли мармар маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Ҳа, балли, — жонланади Гулнора Одилова. — Сангиоҳур маҳалласида қадимдан тоштарош усталар истиқомат қилишган. Юртимизда Касби, Риштон кулолларининг маҳорат мактаби мавжуд. Шаҳрисабз кулоллик мактаби ҳам жуда қадимий. Кулоллик маҳалласи ўтмишда ҳунармандлар макони бўлган. Биз ажойиб кулол Аҳад Музаффаровнинг уй-музейини очдик. Биласизми, узоқ йиллар халқ амалий санъати тарихи, йўқолиб кетаётган ҳунарларни тиклаш борасида изланиш олиб бордим. «Ироқи» деганда дўппидўзлик кўзда тутилган. Аслида бундай эмас. VII асрда Ироқдан кириб келган бу санъат каштадўзларнинг бутун бир сулоласини камолга етказган. Бигиз каштадўзлиги ҳақида эшитганмисиз? Бухоро каштадўзлигидан фарқи шундаки, бўзга нақшлар фақат бигиз билан қўндирилган. Бу санъат фақат Шаҳрисабзга хос ва илдизи узоқ асрларга бориб тақалади. Шаҳрисабзда қадимда бўз тўқилганини инкор этмассиз? Биз йўқолиб кетаётган бу ҳунарни тикладик. Булар ҳам тарихдан, ўтмиш ҳунар пешалари истеъдодидан ҳикоя қилмайдими?..

Шаҳри Кеш байрамга тайёргарлик кўрмоқда

Илмга қизиққан одамнинг садақаси кетсанг арзийди. Гулнора Одилова кўплаб хайрли ишларни бошлабди. Уни тинглар эканман, яна бир фикр хаёлимга келди. 1404 йилда Кешга келган Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонзалес де Клавихо Оқсарой ҳақида кундалигида ёзиб, қуёш аксидаги шеър тасвирини кўрганлигини эслатади: «Бурждларда айнан шу рамз такрорланади. Бу Самарқанд сенъорининг (Амир Темур) гербидир. Темурбек герби уч халқадан иборат бўлиб, уч иқлим подшоси деган маънони англатади...»

Хорижлик элчи Оқсаройда кўрганларини тўла англашга уринган. Безаклардан ҳайратга тушган. Фақат бир нақш эътиборидан четда қолган кўринади. Саксонинчи йилларда Оқсарой ҳовлисидан топилган ялпоқ кошинда олтин суви юритилган пахта чаноғи тасвири бор экан. Улуғ шоиримиз айтгандай «миллионлик сўз эрур пахта бизнинг луғатда...»

Соҳибқирон бобомиз муҳташам қасрини олтин ҳалли пахта чаноғи билан бежизга безамаган. «Тузуклар»да деҳқонларга уруғ, ҳунармандларга сармоя берганларини ёзиб қолдирганлар. Тарихий манбалар ҳам Кеш вилояти замини ғоят унумдор бўлганлиги, экинзорлар, боғларга бурканганлигидан хабар беради. Демак, улуғ зот эл-улус маъмурлиги, давлат барқарорлиги учун деҳқончилик, тижорат, ҳунармандчилик ривожига катта эътибор қаратган. Пахта етиштириш, ундан камёб буюмлар тайёрлаш ҳам назарида турган.

Узоққа бормайлик. Яқин ўтмишимиз шаҳодатига кўра, чор истилочилари 1914 йилда Шаҳрисабзга темир йўл тортиб келишган. Икки йилдан кейин пахтани қайта ишлайдиган завод қуриб, той-той қимматбаҳо хомашёни ташиб кета бошлашган. Шукрки, истиқлол туфайли ўзимиз бийлайдиган бўлдик. Шаҳрисабз вилоятдаги энг йирик ҳунармандлар шаҳрига айланди. Айни пайтда ўнлаб саноат корхоналари бир неча миллиард сўмлик сармояга эга. 5 та қўшма корхона маҳсулотлари хорижга чиқарилаяпти. Биргина пахта тозалаш корхонасида тайёрланган толанинг 98 фоизи экспорт қилинди. Америка, Франция, Испаниядаги халқаро кўргазмаларда Шаҳрисабз пахтасининг юксак сифати эътироф этилмоқда.

— «Оқсарой-Тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонасида бир йилда 4800 тонна калава ва мато тайёрланиб, тўла хорижга экспорт қилинади, — дейди қўшма корхона таъсисчиларидан бири — «Садо» ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳусан Каримов. — Бугун тарихий ҳақиқат қарор топмоқда — пахтамизга, бойлигимизга ўзимиз эгалик қилаяпмиз. Сиз айтган зарҳал пахта чаноғи тасвири туширилган кошинларини мен ҳам кўрганман. Бу, менимча — рамз. Соҳибқирон бобомиз пахтанинг миллий бойлигимиз эканлигини, замонлар эврилиб, юртимиз хазинасига айланишини олдиндан башорат қилганлар. Шунинг учун ҳам қўшма корхона «Оқсарой», деб аталди.

«Оқсарой-Тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасида

ЯШИЛ НАВО

Донишмандлардан бири қаерда дарахт кўп ўсса, шу жойда қабр бўлмайди, дея лутф қилган экан. Ҳассос шоирлардан бири «олам тўлиб борар яшил навога» деган мисрани битган. Буларнинг ҳаммаси қай жиҳатдандир Шаҳрисабзга ҳам дахлдор.

Чунки унинг табиати беназир. Чўққисидан қор аримайдиган тоғлар шаҳарни қўрғондек ўраб олган. Абадий музликлардан сув олиб келаётган Оқсув, Танхоз дарёлари шаҳар белига олтин камардек ўралган. Воҳанинг ҳаёт томири — Қашқадарё ирмоқлари шу жойда бирлашиб, кучга тўлганча бепоён кенгликларга интилади. Сабзазор шаҳар... Оламда ўзга бундай шаҳар йўқ.

— Ҳукуматимизнинг қарори билан Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО ва бутунжаҳон миқёсида нишонланиши бекиёс воқеадир, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари — шаҳар ҳокими Алиқул Тошев. — Катта тўйга тайёргарлик, ободончилик ишлари аниқ режа асосида олиб борилмоқда. Обидалар таъмирланаяпти, равон йўллар, янги савдо дўконлари қурилаяпти. 90 минг аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарда бошқа муҳим ишлар ҳам амалга ошди. Масалан, янги газ, сув қувурлари тортилди.

— Улкан ишларни ўзим кўрдим, — дейман унга. — Мен айнан боғ-роғлар, шаҳар меъморчилигининг ўзига хослиги ҳақида сўрамоқчи эдим.

— Қадимдан бежизга яшил шаҳар, — дейилмаган давом этади Алиқул Тошев. — Ҳар бир маҳалла, кўча четларида дарахтлар, гулзорлар бўлишига ҳаракат қилаяпмиз. Шаҳрисабзликлар аслида уста боғбонлардир. Ҳозир 12 гектар Соҳибқирон номидаги, 8 гектар «Наврўз» боғи бор. Келгусида «Гулистон» хўжалиги ҳудудидаги 26 гектарлик боғ ҳам шаҳар қамровига ўтади. Қадимдан «Тўқсобонинг боғи», деб ном чиқарган жойда ободонлаштириш ташкилотимиз турли дарахт ва гул кўчатларини етиштираяпти. Шаҳарга сув олиб келадиган Хелак, Бобойкент, Седара ариқларини тозалаб, бетонлаштирдик.

Шаҳарнинг ўзига хослиги, қадим ва замонавий меъморчилик анъаналари ҳақида бош архитектор Муртазо Мустафоев гапириб беради. «Ипак йўли» марказий кўчаси четида тикланган янги дўконлар ниҳоятда чиройли. Хусусан, 600 талаба таълим оладиган тиббиёт коллежининг янги биноси ўзига хос ва кўркам. У Танхоз дарёси соҳилида қад кўтарган.

— Қаранг, дарёга дамба қурдик, — дейди Муртазо Мустафоев. — Бу ишни «Ҳисоракқурилиш» тресті бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Дарё соҳилидаги 2 километр жойда хордиқ чиқарадиган боғ бўлади. Сиз қадимги ва ҳозирги меъморчилик анъаналари ҳақида сўраяпсиз. Саксонинчи йилларда қурилган «Савдо растаси», «Минг хил моллар» дўкони ва бошқа биноларда миллий меъморчилик талаблари ҳисобга олинганди. Ҳозирги янги биноларда, уларнинг нақшларида ҳам қадим усталарнинг усуллари сезилади. Айни пайтда шаҳарнинг янги бош лойиҳаси тайёрланмоқда. Мен «Ўзтаъмирлойиҳа» институти архитектори Анатолий Карчуганов билан биргаликда Амир Темур хиёбони, ҳайкал ўрнатилган шохсупа тарҳини чизишда иштирок этганман. Биласизми, шохсупа тасвири нимага ўхшайди? Яхшиси, Оқсарой томига чиқиб, ўзингиз кузатинг. Чўчияпсизми? Ҳечқиси йўқ, зиналар нарвондай, бемалол кўтариласиз.

Бу қизиқ таклиф эди...

АБАДИЯТ

...Ҳа, мени Оқсарой томига чиқишга Муртазо Мустафоев ундаганди. Бунга жазм этганимдан қанчалик озор чекканимни ҳозир ифода қилолмайман. Ўсмирлик йилларимда илк бор ўйнаб-ўйнаб босиб ўтган зиналар энди ваҳимага солар, ортга қайтишдан ор қилардим. Хуллас, бир амаллаб сарой тепасига чиқиб олдим. Сал тин олиб, юрагимнинг ўйноғи босилгач, даст турдим.

Қаршимда тенгсиз шаҳар намоён бўлди. Юксакликдан ўзгача тароватни туяркансиз. Улуғ тарихчи Шарофиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида шундай хабар берганди: «Кешни Қуббатул илм валадаб» лақаби бўлиб турур. Баҳор вақти ул шаҳарнинг тому тоши кўм-кўк бўлур ва кўк кўринган жиҳатидан анга Шаҳрисабз от бўлиб турур.»

Кексайган мозий ва навқирон келажак билан юзма-юз эдим гўё. Кўклам эмас, кузак эса-да, яшиллик бўй бермай яшарди. Яшиллик навқиронликка хос. Аслида ҳам у ёшлар шаҳри. Жами 20 та мактабда 20 мингга яқин бола келажак илмини ўрганмоқда. Шу шаҳар бағрида улғаётган мактаб ўқувчиси — Зулфия номидаги Давлат мукофоти нишондори Шаҳноза Холмаҳматова «Оқсарой офтоби» китобчасидаги бир шеърида шундай деб ёзганди:

Оқсаройнинг шифтига
Нигоҳларим етмайди.
Хаёлимдан Темурнинг
Шижоати кетмайди...

Боболар қурган қасрлар — абадиятга даҳлдор. Шу ўйлар оғушида бош меъморнинг гапини эсладим. У айтмаган сир нима? Шундан кейин хиёбон ва баланд шохсупага ўрнатилган улуғ бобомизнинг ҳайкалига синчковлик билан назар солдим. Во ажаб, меъмор англатмаган сир аён бўлди. Юксакликдан ҳайкал ўрнатилган шохсупа қушга ўхшаб кўринар экан. Гўё Ҳумо қуши уч иқлим ҳукмдорини юксакликка олиб учаётгандай...

Бу ҳам — рамз. Бутун шарқ оламида «Илму адаб қуббаси», дея эътироф этилган шаҳар ўтмиши ва бугунидан сўзлаб турибди. Улуғ шоир Аҳмад Югнакий панд-адаб сўзлари авлодларига етиб боришини башорат қилган эди. Чунки илму адаб — абадият сари ташланган қадам.

Катта тўй тайёргарликларини кўздан кечирган Юртбошимиз келгусида Оқсаройнинг асл қаддига қайтиши ҳақида ҳам гапиргандилар. Демак, тарихда эзгу ишлар қолади. Шу маънода Шаҳрисабз — абадий шаҳардир. Уни тилсим шаҳар, дея атасак ҳам ҳақимиз кетмайди. Ҳар бир авлод абадий шаҳар тилсимотларини ўз-ўзлигича кашф этаверади.

Мен Оқсарой томидан тушар эканман, қайноқ ҳаётга, бинобарин, истиқболимиз сари янги қадам қўйдим...

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 971
11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 5,12,19 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 80-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «SHIFOKOR-MK» меҳмонхона мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 777,0 минг АҚШ доллари.**

2. Тошкент шаҳри, Водник даҳасида жойлашган 124-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (124-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 100886,0 АҚШ доллари.**

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси. Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

✧ ✧ ✧

РКМБда 2002 йил 7,14,21,28 ноябрь кунларига белгиланган аукцион савдоларига қўйилган Фарғона шаҳри, Кува шоссесида жойлашган, Низом жамғармасининг 75 фоизининг бошланғич баҳоси — 215 043, 075 АҚШ доллари бўлган Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси биржа савдоларига ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Марказий Кенгаш аъзоси, Элликқалъа туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.М.Кенжаевга онаси

ҲАМИДАХОН опанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳрир ҳайъати аъзоси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат- холдинг» компанияси раиси Азимжон Аюповга волидаи муҳтарамаси

Кундузхон ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман ҳокимлиги ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиби Шоназар Кенжаевга онаси

ҲАМИДАХОН опанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.